

2002 ҳадис / «АЛИФ» ҳарфи / 1401-ҳадис

* إِنَّ اللَّهَ يَعَارُ وَالْمُؤْمِنُ يَعَارُ وَغَيْرُهُ اللَّهُ أَنْ يَأْتِيَ الْمُؤْمِنُ مَا حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ.

(رَوَاهُ الشَّيْخَانُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

«Албатта, Аллоҳ рашк қиладир. Мўмин ҳам рашк қилади. Аллоҳнинг рашки мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган нарсасини қилмоғидан келадир», дедилар».

(Имом Бухорий ва Муслимнинг Абу Хурайрадан қилган ривояти).

Изоҳ: Рашк аслида шерикчилик мумкин бўлмаган нарсага шерикчилик қилиш оқибатида ҳақ эгасининг ғазаби қўзишини англатади. Кўпроқ эру хотиннинг бири-бирини бошқалардан қизғанишига рашк, деб одатланилган.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам рашк Аллоҳ таолога ҳам хос нарса эканини айтиш билан бирга, мўмин кишида рашк бўлиши зарурлигини таъкидламоқдалар. Аллоҳнинг рашки Ўзи қилмасликни амр этган ҳаром ишлар мўмин киши томонидан қилиниши туфайли келиши ҳам баён қилинмоқда. Яъни, Аллоҳ учун тарк қилиниши лозим бўлган ишнинг қилиниши Аллоҳнинг амрини эмас, бошқанинг амрини тутулиши Аллоҳнинг рашкини, яъни, ғазабини келтириши турган гаплиги айтилмоқда. Ожиз инсон ўзига тобе одам бошқанинг айтганини қилса қанчалар аччиғи чиқади, аммо ҳамма нарсага қодир Аллоҳнинг айтганини қилмай, бошқанинг айтганини қилишни ўзига эп кўради.

قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ

الدُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ (الزمر - 53)

وَرَحْمَتِي وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍ (الأعراف - 156)

"Сен менинг тарафимдан: «Эй ўз жонларига исроф (*жабр*) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, унинг ўзи ўта мағфиратли

ва ўта раҳмли зотдир», деб айт". (Зумар сураси, 53-оят)

"Раҳматим эса, ҳамма нарсадан кенгдир" (Аъроф сураси, 156-оят)

Манба: hadis.islom.uz

